

## Ўзини ўзи бошқариш механизми ўз самарасини бермоқда

Жорий йилнинг 29-ноябрь “Озодалик” кунида 2-Талабалар турар жойида Талабалар кенгаши томонидан ўзини ўзи бошқариш механизми бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Ёшлар иттифоқи етакчиси, ҳар-бир қават бошлиқлари, хона бошлиқлари ва “Қишлоқ ва сув хўжалигини энергия таъминоти” факультети декани А.Ж.Исақов ва Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини А. Ботировлар иштирок этишди. Талабалар кенгаши раиси томонидан ўзини ўзи бошқариш механизми ўз самарасини бераётганлиги гапириб ўтилди. Факультет декани А. Ж. Исақов томонидан “Озодалик” куни бўйича баъзи камчиликлар аниқланди ва тегишли кўрсатмалар берилди. Ўзини ўзи бошқариш механизми бўйича таклифлар берилди.



**Институт матбуот хизмати раҳбари Р.Жуманиёзов**